O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 11-yanvar • № 2 (3934)


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

## БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009 – 2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:***

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелигача ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза хулосаларини тайёрлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008 — 2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган таклифларга биноан, олий таълим муассасаларига мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 7 январ*



## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

***Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти юртимизнинг иқтидорли қизларини ижод, илм-фан ва касб-ҳунар соҳаларида ўз истеъдодларини намоён этишга руҳлантирмоқда. Ҳозирга қадар бир юз ўн икки ижодкор қизлар ушбу мукофотга сазовор бўлди. Уларнинг аксарияти бугун юртимиз келажагини яратиш йўлида фидойилик билан изланиб, чуқур билим асосларини эгаллашга интилмоқдалар.***

Мукофот тизимини такомиллаштириш мақсадида 2007 йилнинг апрел ойида танловнинг мактаб, коллеж босқичлари ташкил этилди. Сентябр ойида туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда республика бўйича беш мингдан зиёд қизлар иштирок этдилар. Ноябр-декабр ойида ўтказилган вилоят босқичида 800 дан ортиқ қизлар қатнашиб, улардан 70 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида Зулфия номидаги мукофот номзодларининг республика танлови бўлиб ўтди. Уч босқичда ўтган танлов тадбирлари республика танлови ҳайъати томонидан баҳоланди.

Биринчи босқичда фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият йўналишларида тест синовлари ўтказилди. Синовлар учун хоналар ажратилиб, барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Иккинчи босқичда фан, таълим ва адабиёт йўналишлари бўйича номзодлар билан суҳбат ўтказилди. Санъат ва маданият йўналишидаги номзодларнинг консерватория фойесида ижодий кўргазмалари ташкил этилди. Ҳайъат аъзолари ҳар бир кўргазма эгасини алоҳида тинглаб, ишларини кўздан кечириб, соҳасига оид саволлар беришди. Саҳнада эса номзодлар ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар.

Учинчи босқичда етмишта номзоднинг ҳар бири билан ҳайъат аъзолари юзма-юз танишдилар. Бу босқич шуни кўрсатдики, тавсия этилган номзодларнинг ҳар бири ўзлари танлаган соҳаларни севадилар, миллий ғоямиз моҳиятини, шавкатли аждодларимиз, юртимиз ва адабиётимиз тарихини, ҳуқуқ ва бурчларини яхши биладилар.

Танловнинг очилиш маросимида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳайъати бошлиғи С.Иномова қатнашди ва сўзга чиқди.

Ғолиблар 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади.

## МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗ РАВНАҚИ

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан миллий спортимиз халқаро мақомларга кўтарилди. Ўзбек кураши бугунги кунда дунёнинг юздан ортиқ давлатига миллатимиз тимсоли сифатида кириб борди. Шу муносабат билан ўзбек кураши бўйича мутахассислар савиясини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, азалий қадриятимизнинг халқаро обрўйини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этаётир.

Кеча пойтахтимиздаги Кураш халқаро ассоциациясида Халқаро кураш институти фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда кураш соҳасида мутахассислар тайёрлашни кучайтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар кураш спортини янада ривожлантириш истиқболлари, бу борада малакали мутахассислар тайёрлашга эҳтиёж катталигини алоҳида таъкидладилар.

Таниқли полвон, кураш, самбо ва дзюдо бўйича спорт устаси Шермуҳаммад Юсупов Халқаро кураш институти ректори этиб тайинланди. Кураш федерацияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Кураш халқаро ассоциацияси раҳбари Комил Юсупов институт фаолиятини янада жонлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зулхумор РЎЗИЕВА**

## БИРОВНИНГ ДЎППИСИ

***Ҳар Янги йилда телеижодкорлар бизни кўплаб сермазмун кўрсатувлар, янги лойиҳалар билан хушнуд этишади. Якунланаётган йилни кузатар эканмиз, экран қаршисига жойлашиб олиб, уларни мириқиб томоша қиламиз. Бу йил ҳам худди шундай бўлди.***

Телевидениеда кўрсатув тайёрлаш ўта машаққатли иш эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Муаллиф кўзлаган мақсадни эфирда тўлақонли намоён этиш учун иштирокчилар, актёрлар, режиссёру тасвирчи, яна қанча мутахассислар реза-реза тер тўкадилар. Суратга олиш жараёнида сценарийга муҳим ўзгаришлар киритилади. Ижод деганлари йўл-йўлакай такомиллашиб бораверади.

Якунланган йилнинг сўнгги икки ҳафтасида эфирга узатилган кўрсатувлар орасида "Бадиий кенгаш" алоҳида ажралиб турди. Шу номда кўрсатув пайдо бўлганидан хурсанд бўлдим. Кенгаш аъзолари кўз ўнгимизда бир жуфт клипни эмин-эркин муҳокама қилишди, ютуқ-камчиликларини рўйи-рост кўрсатиб, тушунтириб, шарҳлаб беришди. Натижада, улардан бири телевидениеда намойиш этиш учун муносиб кўрилди, иккинчиси эса муносиб кўрилмади. Мана буни кенгашли иш деса бўлади. Аммо, муҳокама якунида бошловчи йигит бир таклиф айтиб қолди: "Бу ҳали (яъни муҳокама хулосаси) узил-кесил қарор эмас. Ҳал қилувчи гапни муҳтарам телетомошабинлар айтишади. Биз улардан ушбу клипларга муносабат билдирилган SMSлар кутиб қоламиз..."

*Муҳаррир минбари*

Ана холос. Демак, бадиий кенгашнинг шунча куйиб-пишиши, муҳокамаси муҳим эмас экан-да? SMS дегани нима ўзи? Бугун телевидение, радио орқали ҳар куни эрталабдан кечгача неча ўнлаб даъватчилар ёшларга қарата "SMS йўлланглар, тўхтовсиз йўлланглар, йўллаб чарчамanглар", дея даъват қилиб ётишибди. Яширишдан не ҳожат, йўлланган ҳар бир SMSдан кимдир манфаат кўради-да. Бу манфаат олдида у ёки бу қўшиқнинг тақдири ҳеч гап эмас.

Мавлуда Асалхўжаева фаол иштирок этаётган "Сўнмас орзулар" кўрсатувининг бирида санъаткор одоби ҳақида гап кетди. Хурсанд бўлиб, томоша қила бошладим. Негаки, бугун биз ҳаётимизда юз бераётган жуда кўп ўзгаришлар билан ҳақли равишда фахрлана оламиз, аммо айрим санъаткорларимизнинг саҳнадаги, эл-юрт олдидаги хатти-ҳаракатлари бундай фахрга имкон бермайди. Чунки санъаткорлик билан "шоумен"лик аралашиб кетди. Аслида, ҳар иккиси ҳам керак, фақат санъат ўз йўлида, шоуменлик ўз йўлида бўлгани маъқул.

**Давоми иккинчи бетда.**

## Ушбу сонда:


**Матназар АБДУЛҲАКИМ:**
**"Бу шеър ҳали кўп тилларга таржима қилиниши керак."**

**Ҳаким НАЗИР:**
**"Баракали қўлда пуч ёнғоқ ҳам тўқ бўлиб кетади..."**

**Омонулла РИЗАЕВ:**
**"Томошабинни йўқотмасак бўлди..."**

**ХУРШИДА:**
**"Алвидо муҳаббат, алвидо севги..."**

**ҲИКОЯ**
**"Ҳазратнинг қабрлари ёнида иккита қабр бор. Биринчиси қиз қабр, иккинчиси дўст қабр..."**

**Маҳмуд НОМОЗОВ:**
**"Излаган нарсамни тоғу тошлардан топдим".**

**Искандар РАҲМОН:**
**"Кимга ўхшашлигимни биласизми?"**

**ШУМ БОЛА:**
**Учинчи саволингизга, мана мен жавоб бераман, ука.**


14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

## БАХТ ҚУШЛАРИ ПАРВОЗ ЭТСИН ЮРТ ОСМОНИДА



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни яқинлашиб келмоқда. Бу кун тўла маънода барчамиз учун қадрли ва аҳамиятли бўлиб қолди. Зеро, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ва бутун минтақада тинчлик-тотувликни таъминлай оладиган, ёвуз кучларнинг ғаразли ният ва хуружларини бартараф этишга қодир армия мавжуд экан, ҳаётимиз ҳамиша осуда, осмонимиз мусаффо бўлади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан шаклланган миллий армия ёшларимиз учун жисмоний ва маънавий чиниқиш, шахс сифатида камол топиш, замонавий ҳарбий ва техник мутахассисликларни эгаллаш, ҳаётда бўладиган турли мураккабликларни матонат билан енгиш борасида ўзига хос мактабга айланиб қолди. Шу жиҳатдан қараганда, бугун мамлакатимиз Қуролли кучлари сафида хизмат қилиш — фахрли йигитлик орзусидир.

Ҳарбий хизматчиларимизнинг она-Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурчи тўғрисида Президентимиз шундай деган эди: "Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, кўлами тобора кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда... Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз, албатта".

Она-юрт ҳимояси, туғилиб ўсган Ватан осмонининг беғуборлиги ҳамма замонларда ҳам инсон фароғати, бу ёруғ дунёда хотиржам умргузаронлик қилиш, эзгу ниятларни рўёбга чиқариш, фарзандлар тарбиялашнинг муҳим шарти бўлиб келган. Шундай экан, барчамиз учун бирдай азиз бўлган шу она-Ватан ҳамиша бор бўлсин, осмонида бахт қушлари эмин-эркин парвоз қилсин!

Байрамингиз муборак, азиз Ватандошлар!

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур санага бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди.

Мушоирани Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов очар экан, йиғилганларни ва барча юртимиз ҳимоячиларини байрам билан самимий қутлади. Мамлакатимиз ҳарбийларининг бугунги салоҳияти, куч-қудрати, сарҳадларимизнинг мустаҳкамлиги ҳақида сўзлар экан, жумладан шундай деди: "Бугун жонажон ўлкамизнинг ҳар бир бурчи ишончли қўлларда, иродаси метин йигитлар муҳофазасида эканидан кўнглимиз хотиржам. Эътибор берсангиз, ҳозирда оддий аскарликка чақирилаётган йигитлар ҳам худди олий ўқув юртига имтиҳон топширгандек синовлардан ўтиб, ҳарбий хизматга юборилаптилар. Бу эса, Ватан ҳимояси янада мустаҳкам бўлаётганидан далолат".

Мушоирада иштирок этган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таниқли шоирлар Ҳусниддин Шарипов, Турсун Али, Абдураззоқ Обрўй, Рустам Мусурмон, Актамқул Карим, Даврон Ражаб, Ойгул Убайдулло қизи, ёш ижодкорлардан Мусаллам Бону, Адиба Умирова, Ҳаёт Шодмон, Гулшода Қурбонова, Ситора Тожиддинова ва бошқалар Ватанга муҳаббат, она заминга садоқат ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги янги шеърларини ўқидилар.

**Ўз ахборотимиз**

*XX аср ўзбек адабиёти*

# “ЙИРОҚЛАРГА ЕТАКЛАДИ МЕНИ БИР СУРОН...”

## бир шеър шарҳи



Адабиётшунослигимизда, янглишмасам, ижод психологияси алоҳида фан сифатида ажралиб чиқмаган. Бироқ ижод ғалаёнига қаттиқ берилган шоирки бор, бадиий ижод кечинмаларининг шуурий ҳамда ғайришуурий жиҳатларига ўз шеърларида муайян даражада тўхталмай иложи йўқ. Айниқса, ижод жараёнининг бу тафсилотлари улкан тарихий эврилишлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлса. Ёдингизда бўлса, Алишер Навоий ҳазратлари “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида ижод руҳшунослигининг бир жиҳатидан нафис пардани қия очиб, ўқувчига ижодхонасининг айрим қирраларини кўрсатиб қўяди. Асарда Паҳлавон Муҳаммаднинг табиб сифатидаги маҳорати унинг ижодкор руҳий ҳолатини нақадар нозик илғай олиши сифатида ҳам намоён бўлади. Паҳлавон табиб ўзининг ана шу салоҳияти туфайли шоирни қалтис асаб касаллигидан халос қилади.

Шоирлар, албатта, ижод руҳшунослиги масалаларини тадқиқ этишни ўз ижодларида бош мақсад сифатида танламайдилар; улар мазкур руҳий жараёнга муайян даражада “тегиб” ўтадилар.

Абдулла Ориповнинг “Сароб” шеъри ҳам, гарчи ушбу мавзуга буткул бағишланган бўлмаса-да, унда тарихнинг яхлит бир парчаси шоир ижодий кечинмалари билан йўғрилган ҳолда, бадиий-маънавий жиҳатдан поэтик таҳлил қилинади.

Шеър ана шу асарнинг ўзи иншо этилаётган пайтдаги шоирнинг руҳий аҳволини баён қилишдан бошланади:

**Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,**
**Олти ойким, ўғаларга тилайман омад.**
**Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада**
**Истеъдодим сўнганидан қилар каромат.**

Бу мисралар шоирнинг ўзи билан айнан бир даражада бўлган лирик қаҳрамоннинг ички сезимларини, унинг қалами аниқ мўлжалга ураётганлигини яхши ифодалаган. (Мазкур шеърда лирик қаҳрамоннинг шоир билан айнан бир шахс эканлигини эътиборга олиб, мазкур мақоламизда бундан кейин уни шоир дейиш билан чекланамиз.) “Мўлжалга аниқ уриш” масаласига келганда эса, бу шеър 1966 йили, ўша йилларнинг бевосита таассуротлари остида шу даврнинг иқтидорли фарзанди томонидан яратилган эди.

Бу давр қирғин-қатағонларнинг урушдан кейинги иккинчи тўлқинига бевосита туташ йиллар бўлиб, Абдулла Орипов ва унинг авлоди эсини таниган, ўсиб-улғайиб, камол топган йилларга тўғри келади. Бу йилларда халқнинг гарданидан олиб ташланган таъқиқлар юки уни ижтимоий-сиёсий мажруҳликдан халос қила бошлаган, нисбий матбуот эркинлиги бўлса ижодкорлар елкасига офтоб теккиза бошлаган, чиндан ҳам “шеър улуғ, нон азиз” йиллар эди. Бироқ бу йиллари қатағон-қирғин шотирлари ҳам ўз отларидан тушган бўлсалар-да, ҳали эгарларда маҳкам ўтирар, ўзларининг машъум фаолиятларини бемалол давом эттираётган эдилар. Ана шу “дўст”лар эди Абдулла Орипов ҳамда унинг маслакдошлари нафас олаётган ҳавони заҳарлаётганлар. Бу “дўст”ларнинг қўли қаергача етарди, бу “олти ой” қанча давом этди? Қувончлиси шундаки, шоир уларнинг ғаламисликлари қаршисида довдираб қолмади. Уларга таслим бўлмади. Ижод қилишда, кураш олиб боришда давом этди. Бу курашнинг нисбатан яқинда тамом бўлган урушдан тафовутли ва қийин томони шунда эдики, бу “уруш”да фронт кўзга кўринмасди, душманлик бўриси зоҳирий дўстлик қўйининг терисини ёпиниб олган эди. Шеърдан аён бўладики, бу кураш қарама-қарши ғаддор томоннинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий писмиқликлари “иштироки”да кечаётган бўлса ҳам, ана шу давр таъбири билан айтганда, “ҳар қалай, олдда ҳали чироқлар бор” эди. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

**Ниманидир ахтараман — шеърдан ҳам улуғ,**
**Ниманидир ахтараман — нондан азизроқ.**
**Дунё ўзи бепоён-ку, рангларга тўлуғ,**
**Бироқ менинг кўзларимдан ранглар ҳам йироқ.**

Доғулилик йўлига ўтиб олган маккорларнинг кучи шунда эдики, улар замон ижодкорларининг кўзларидан рангларни йироқлаштиришга, уларга дунёни нисбий қарама-қаршиликларнинг оқ-қора бўёқларида кўрсатишга, шу билан санъатни, жумладан, сўз санъатини ҳам маънавий мураккабликдан маҳрум этишга ҳаракат қилардилар. Бу ишда уларнинг ҳам бўш келмаётганлиги шеър аввалидаги шоир тушиб қолган бухроний кайфиятда кўзга ташланади. Шеър давомида шоир тушкунликнинг бу “қасам дараси”дан муваффақият билан чиқа бошлайди. Бунда унга аждодларимизнинг қадимги мумтоз шеъриятидан анъана бўлиб келган шеърий мажоз — анъанавий май образи қўл келади:

**Инжиқ руҳим май истайди гоҳи-гоҳида,**
**Фақат унинг оғушида топаман ором.**

Мумтоз адабиётимизда “май” илоҳий эътиқоднинг рамзи бўлгани каби, мазкур шеърда ҳам соғлом фикрлаш манзарасини яратишга имкон беради:

**Хаёлларим сархуш бўлиб кезган чоғида**
**У беармон кунларимга қайтаман тамом.**

Ўқувчи беихтиёр сергак тортади. Қонли ва бемиқёс жаҳон уруши бошланиб кетган, қирғин-қатағонларнинг ўлаксахўр шарпаси кезиб юрган йиллари туғилган болакайнинг кунлари қандай қилиб беармон бўлсин!

Шоир ниҳоятда қийин, айтиш мумкинки, қалтис вазиятдан маҳорат билан “чиқиб” кетади. Бу мураккаб ижтимоий-маънавий, руҳий аҳволни бартараф этишда унга сунъийликдан қочиб, табиийликка риоя қилиш, нозик ижодий интуиция мададга келади.

Абдулла Ориповдек ўз шеърларини ижодий ғалаёнлар измидаги руҳий ҳолатларда битадиган шоирнинг ижоди табиат билан шу қадар чамбарчас боғланганки, бу ижоднинг ижтимоий аҳамиятини ғоят ошириб юборади.

Шеър давомининг жозибаси шундаки, мисралардаги шоир қайтаётган армонсиз кунлар кашшофлик бўйинбоғини таққан ўспириннинг коммунистик “оламгулистончилиги” эмас, балки мана шу фарзанднинг она табиат билан узвийликда кечган масъуд дамларидир:

**Кўз олдимда киприкдайин тизилар йиллар,**
**Ҳар бирига маржон бўлар аччиқ унларим.**
**Хира туман орасида чўғдай милтиллар,**
**Жайрон қувиб жайрон янглиғ ўтган кунларим.**

Шеърнинг мана шундан кейинги улкан бир парчаси табиат ва инсоннинг озод муносабатлари манзарасини яратишга сарфланади. Шоир “Мактаб бордик — оғир бўлиб қолдик дафъатан” деб “у армонсиз кунлари” тавсифига чек қўяди.

Энди бу кунларнинг давоми ўсмир ҳаётини зиддиятлар гирдобига ташлайди. Шоир ўша даврда адабиёт ва санъатда ҳукм сурган машъум конфликтсизлик назариясининг ўзи мактабда кўриб улгурган башарасини чизиб ўтади:

**Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ**
**Даста-даста китоблардан ўқирдик таълим.**
**Равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ,**
**Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим.**

Олтмишинчи йилларнинг ўрталари, яъни ушбу шеър яратилган пайтлари конфликтсизлик назарияси таъсири ҳали ўзининг авжида эди, ёвуз кучлар пана-панада ҳали ўзининг қора ишларини давом эттираётган эдилар. Шунинг учун ҳам шоирнинг “Паҳлавон Маҳмуддан мадад сўраб”, жамиятдаги нобоп жиҳатларга қарши курашга ўзини сафарбар қилгани чинакам жасоратли граждан шоирга хос хислат эди. Яқин ўтмишнинг яқин ўнйилликларидаги иллатлар бўлса тараққиётнинг оёғига тош бўлиб боғланиб, илгарилаб кетишимизга, табиийки, йўл қўймаётган эди. Бинобарин, шоир ўзининг уйғониши билан кифояланмай, ўзгаларни уйғотишни ҳам ўз бурчи деб билди.

**Олис жануб тортганидай қушча юрагин,**
**Йироқларга етаклади мени бир сурон.**
**О, Абдулла, кўзларингни очиб қарагин,**
**Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон.**

Шоир юрагини “олис жануб”га ўхшаб тортаётган, албатта, бу унинг ўзини ва замондошларини чорлаётган келажак эди. Фашизм аждаҳосини енгган халқ энди саробларга ишониб яшай олмасди. “Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша” тарзидаги тутуриқсиз коммунистик келажакни ваъда қилаётган сароб мафкурадан одамларнинг шусиз ҳам қайтган ихлоси бадтар қайтиб бўлган эди. Шеърда қизил доктриналарнинг кўзга ташланмаслиги ҳам шунда.

**Шеър излайман бу кун Тошкент кўчаларида,**
**Секингина зирқирайди беором қалбим.**
**Мен умримнинг бу суронли кечаларида**
**На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим.**

Шеър топиладиган аҳволда эмасди ўзи. Аниқроғи, мафкура шоввозлари шоирлардан кутаётган шеърларни ёзишга шоирнинг қалами қақшатқич бир қайсарлик билан қаршилик кўрсатаётган эди.

Одамга, айниқса, шоир одамга, хусусан, виждонли шоир одамга ўзининг бир вақтлари соддадиллик қилиб ишонган идеалларидан, охирида бачкана бир ёлғон бўлиб чиққан муддаоларидан маҳрум бўлиш, майли, соғлом уйғониш ҳисобига бўлса ҳам, жуда оғир. Қимматга тушаётган бундай зил-замбил маънавий юкни, виждон юкини юракка юклаб бардош бериш учун ҳаётни ниҳоятда севиш, бориб турган некбин бўлиш талаб этиларди одамдан. Чунки:

**Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар**
**Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.**
**Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,**
**Қўймайдилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб.**

Мавжуд бўшлиқнинг ўрнини тўлғазиши керак бўлган маънавий бойлик унинг ўрнини босадиган даражада бўлмоғи зарур.

**Кўз олдимда собит турар фақат шу Ватан,**
**Кулбаси ҳам кенглик қадар чулғайди мени.**
**Туйғуларим фақатгина унга берар тан,**
**Юртим, мен ҳам умрим қадар севгайман сени.**

Ватан агарчи буюк тасалли эса-да, барибир, идеаллардан маҳрумлик туйғуси шоирни эзаверади:

**Аммо айтинг, қайда қолди у ёшлик пайтим,**
**Қайда қолди мен ишонган у ўзга ҳислар.**

Энди шоир ўзини севгиси рад бўлган ошиққа ўхшатади. Фузулийнинг байти ёдингиздами:

**Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар.**
**Бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.**

Ёш Абдулланинг ҳасрати ҳам ана шундай фузулиёна:

**Гар бор бўлсанг жавоб бер, эй, илоҳий қудрат,**
**Наҳот гўдак ишончини ёзибсан қорга?!**

Абдулла Орипов ўзининг олдига қўяётган бу саволга осмондан эмас, ердан жавоб топади.

**Шовқин тўла кўчаларда кезаман танҳо,**
**Яна шеърим юва бошлар дилдан ғамимни.**

Демак, “На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим” деган хавотирлар беҳуда. “Наҳот гўдак ишончини ёзибсан қорга?!” дейишлар ҳам ножоиз. Негаки, шоир маънавий табиб сифатида дардга ташхис ҳам қўя олган:

**Хаёлларнинг гирдобида қолганда аммо**
**Алам билан хотирлайман муаллимимни.**

Шоир яна ҳаётга, яна шеърга, яна курашга қайтади. Чунки у ажабланмайди. Буни ҳаёт дейдилар ва уни кечириш осон эмас. У осон бўлса эди, бу қадар тотли бўлмасди.

**Не тонг, ахир фарзандимиз-ку шу замонага,**
**Ахир она сийнасидан фарзанд тонолмас.**
**Қўл кўтариб бўлармиди ахир онага,**
**Зотан, унга қўл кўтарган — фарзанд саналмас.**

Бу шеър бутун бир халқни оғир уйқудан уйғотганлиги билан фақат ўзбек адабиётида эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам алоҳида ўрин тутади. Тўғри, бу шеър ҳали кўплаб тилларга таржима қилинмаган, кўплаб халқлар бу шеърни ҳали билмайди. Чунки муайян шеър аввало муайян заминда пайдо бўлади ва, аввало, муайян халқнинг ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир халқнинг қисмати эса ҳар хил. Ҳар бир халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш учун алоҳида истеъдод, алоҳида овоз керак. Шунинг учун ҳам жаҳон адабиётида бирон-бир нимага арзимоқ учун аввало маълум бир халқнинг адабиётида бирон-бир нимага арзимоқ керак. Бу шеър, аввало, ўз муаллифининг, сўнгра мухлисларнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг юрагида янгича бадиий-маънавий қарашларни барқарор қилди, мустаҳкамлади ва юксалтирди. Истиқлол умидларини эҳтиёжга айлантирди. Шеъриятда янгича йўналишни — озодлик йўналишини бошлаган шеърлардан бири бўлиб, ўз издошларини ҳурриятпарварлик йўлига бошлади. Ижодий жасорат намунаси бўлди.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,**
**Хоразм Маъмун академияси илмий ходими**

# ЯНГИ АСР АДАБИЁТ ИЛМИ:

## ўзгаришлар, муаммолар

**1. Мана XXI асрнинг ҳам 7 йили ўтди. Шу йиллар мобайнида ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳам баҳоли қудрат ижод билан машғул бўлдилар. Бинобарин, сизнингча, янги аср адабиёт илмида қандай ўзгаришлар юз берди?**
**2. Ўзбек танқидчилигида ва адабиётшунослиги олдида қандай муҳим вазифалар турибди, деб ўйлайсиз?**

**Нодир РАМАЗОНОВ,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими:**



1. XXI аср адабиётшунослиги ўзининг яққол фарқланиб турадиган қиёфасини ҳали топганича йўқ. Бунинг сабаблари бор, албатта. Адабиётшуносликнинг фан сифатидаги вазифалари қандай бўлиши керак? Инсонни кашф этиш борасидаги мумтоз адабиётда тўпланган тажриба бугунги кун кишиси учун нечоғли зарур ва у қай шаклда замондошларимизга етказилмоғи лозим?.. Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш орқали бундан кейинги адабиётшуносликнинг бош ўзани белгилаб олинади, деб ўйлайман.

Ҳозирги кун адабиётшунослигида умид уйғотадиган бир қанча ижобий тамойиллар кўзга ташланмоқда. Биринчидан, адабий асарни боқий, ўзгармас мезонларда баҳолашга интилиш сезилаётир. Шунингдек, бадиий асарни муаллиф назарда тутмаган ҳақиқатлар асосида баҳолаш тўғри натижа бермаслиги аён бўлди. Ўзбек мумтоз адабиёти Шарқ тамаддуни ва тафаккурининг узвий қисми ва уни шу контекстда баҳолашгина ҳаққоний натижаларга олиб келади. Бугунги кун адабиётшунослигида ушбу ҳақиқатнинг қарор топаётгани қувонарли ҳол. Иккинчидан, олдин тор, муайян маънода чекланган деб қаралган муаммолар ҳар тарафлама махсус тадқиқ этилмоқда. Бунга мисол сифатида олдин кам ўрганилган айрим жанрлар (соқийнома, муножот, қитъа, ҳаммомия), поэтик символиканинг муҳим унсур ва воситалари (рақам, ранг), асар қаҳрамони руҳий ҳолатини белгиловчи ва акс эттирувчи воситалар (психологик деталлар)нинг махсус ўрганилаётганини кўрсатиш мумкин. Айнан чуқур текширилган локал муаммо адабиётнинг ички механизмини ёрқинроқ намоён этади, санъат феноменини теран англаш имконини беради.

2. Адабиётшунослик кенг соҳа. Унинг адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий жараён ва матншунослик сингари асосий тармоқлари бор. Уларнинг ҳар бирига доир муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар табиати ҳам ўзига хос. Масалан, адабиёт назарияси соҳасини оладиган бўлсак, мумтоз адабиётдаги эстетик тамойиллар адабиёт назарияси қонун-қоидаларини белгилашда ҳисобга олинса янада яхши бўлар эди. Биргина мисол. Бобур бир шоир ҳақида ёзар экан, “Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур, агарчи ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур”, дейди. Ранг — санъаткорлик, турли поэтик восита ва унсурлардан усталик билан фойдаланиш, маъни — асарнинг ғояси, унда илгари сурилган фикр. Аммо Бобурнинг (бинобарин, XV аср эстетларининг) қарашича, бу ҳали шеърнинг мукаммал асар аталиши учун етарли эмас. Шеър том маънодаги санъат асари бўлиши учун унда ишқ ва ҳол тасвири бўлиши лозим. Бу ўша даврда бадиий асарни баҳолашнинг бош мезони бўлган. Ушбу ва мумтоз адабиёт қонун-қоидалари билан боғлиқ бошқа шу каби қарашларни бугунги адабиёт назарияси доирасига олиб кириш муҳим, деб ўйлайман.

Адабиёт тарихи соҳасида ўтмишда ўтган ҳар бир шоирни гениал ижодкор, девон тартиб берган ҳар бир ижодкорни етук санъаткор сифатида баҳолашга интилиш авж олаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади. Баъзида диссертация мавзуси бўлган бутун бошли девон ёки мажмуадан ўқиганда юрагинг “жиз” этадиган бир байт тополмайсан. Баъзан шунчаки бир ҳаваскорлик билан ёзилиб, дафтарлар шаклида қолиб кетган “девон”лар тадқиқот объектига айланмоқда ва “адабиётимиз тарихининг номаълум саҳифаси кашф этилган”, дея баҳоланмоқда. Албатта, улар ўрганилиши керак, лекин алоҳида объект сифатида эмас, балки муайян давр адабий жараёни иштирокчиларидан бири сифатида, обзор тариқасида тадқиқ этилиши ва шунга яраша баҳоланмоғи лозим.

Матншунослик билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзига хос. Бизда матншунослик нима учундир адабий манбашунослик билан қўшиб юборилган. Аслида улар бир-биридан узоқ соҳалар бўлиб, адабий манбашунослик адабиёт тарихининг ёрдамчи тармоғи ҳисобланади. Матншуносликни эса филологиянинг онаси, дейиш мумкин. Филологиянинг фан сифатида матншунослик (каноник, диний-илоҳий матнлар тадқиқи)дан ўсиб чиққанлигини ва текстология азалдан ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшуносликни ўзида мужассам этганлигини унутмаслик керак. Бинобарин, адабий манбашунослик ва матншуносликнинг қўшиб юборилиши тўғри эмас. Матншунослик алоҳида филологик фан соҳаси сифатида ривожланиши керак. Ҳозирда матншуносликни фақат табдилчилик (матнларни араб графикасидан жорий алифбога ўгириш) сифатида тушуниш кенг тарқалган. Матн тарихи, икки тиллилик (форс-ўзбек), уч тиллилик (араб-форс-ўзбек) шароитида матнлар рақобати ва бунинг маориф, адабиёт, тил, қонунчилик, давлат бошқаруви тарихидаги ўрни, муаллиф матнини тиклаш, вариантлар ва уларнинг асар ижодий тарихидаги ўрни, вариантлар вужудга келишининг ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик сабаблари сингари соф матншунослик муаммолари ҳозирда деярли тадқиқ этилмаяпти.

Адабиётшунослик билан боғлиқ яна бир муаммо унинг ҳануз ўз қобиғида қолиб кетаётганлигидир. Адабиётшуносликнинг ижтимоиётшунослик, сиёсатшунослик, фалсафа билан алоқалари янада мустаҳкамланиши, герменевтик, семиотик, ижтимоий-психологик таҳлил методларининг тобора фаолроқ татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Баъзида аниқ фанларда шаклланган таҳлил усулларининг адабиёт материали тадқиқи жараёнида қўлланилиши ҳам зарар қилмайди.

*Ёзувчилар уюшмасида*

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг янги йилдаги илк йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманда сўз олганлар бугунги кундаги бадиий таржима ишларига оид муваффақиятли одимлар билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликларни ҳам тилга олишди. Аммо, яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, дунёнинг турли тилларидаги дурдона асарларни аслиятдан шижоат билан таржима қилаётган ёшларнинг интилиши қайта-қайта эътироф этилди.

Таниқли таржимон Низом Комилов ўз сўзида таржимачилик мактабини муваффақиятли давом эттириш учун юртимиз олийгоҳларидаги, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат Педагогика университетининг хорижий филология факультетларидаги талабалар, шунингдек, Шарқшунослик институтида етишиб чиқаётган кадрлар базаси билан узвий алоқани йўлга қўйиш ҳақида гапирди.

— Ўзбек таржимачилигида яна бир муаммо кўзга ташланади, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Омон Мухтор, — бугун биз дунёнинг турли мамлакатлари адабиётидан сара асарларни таржима қилиб, халқимизга етказаяпмиз дейлик. Аммо, масаланинг муҳим томони шундаки, ўзбек адибларининг сара асарларини ўз вақтида хорижий тилларга таржима қилиб, бошқа миллат китобхонларига тақдим этишда оқсаяпмиз.

Кенгашда тегишли нашрлар, хусусан, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинаётган таржима асарлар хусусида айрим мулоҳазалар ҳам айтиб ўтилди.

Кенгаш ташаббуси билан ўтган 2007 йил мобайнида жойларда бир қатор учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, “Ишонч” газетаси таҳририятида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ўтган йили Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накайама хонимнинг “Ўзбек сакураси” китоби Сувон Мели ва Беҳзод Гулметовлар томонидан аслиятдан муваффақият билан таржима қилингани чинакам маданий воқеа бўлди.

Кенгаш ўз олдига янги йил режаларини қўяр экан, бошланган йилда ўзбек таржима мактабини янги авлод вакиллари билан бойитиш, таржима сифатини янада ошириш масаласига урғу берди. Шу маънода, кенгаш қошида “Ёш таржимонлар клуби”ни ташкил қилиш фикри илгари сурилди. Унга кўра ёш истеъдодли таржимон йигит-қизлар ижоди ҳамиша кузатиб борилади ва маҳоратли таржимонлар билан биргаликда устоз-шогирд анъаналари йўлга қўйилади. Йил давомида ўзбек таржимачилиги асосчиларидан бири Ғайбулла Саломов таваллудининг 75 йиллиги олдидан “Бадиий таржиманинг долзарб муаммолари”, шунингдек, “Мақсуд Шайхзода — улкан таржимон”, “Пушкин асарлари ўзбек тилида” каби мавзулар доирасида давра суҳбатлари, илмий семинарлар ўтказишга ҳам келишиб олинди.

Йиғилишни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди.

*Умрингизга бир варақ*

# ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ ВА МУРАББИЙ

Одатда, бадиий асар танқидчи, адабиётшунос олим назаридан ўтиб, холис баҳоланганда унга жамоатчиликнинг муносабати, эътибори ҳам бошқача бўлади. Бу жараёндаги адабиётшуноснинг, мунаққиднинг таҳлилини заргарнинг меҳнатига қиёслаш мумкин. Шу маънода, “Зар қадрини заргар билади”, деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Заҳматкаш адабиётшунос ва танқидчи Собир Мирвалиев ижодига назар ташлаганда бу нақлнинг ғоятда топиб айтилганига амин бўламиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев адабиётшунослик соҳасига ўтган асрнинг 50-йилларида кириб келди ва илк изланишлари билан ўша даврнинг забардаст адиблари Ойбек ва Мақсуд Шайхзода эътиборига тушди.

Ўтган давр мобайнида ўзбек адабиётшунослиги кўплаб тадқиқотчиларнинг бадиий сўз санъати ривожига бағишланган тадқиқотлари, илмий хулосалари билан бойиди. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидан кейин адабиёт майдонига кириб келган Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов сингари адибларнинг роман, қисса ва ҳикоялари кенг тарғиб-ташвиқ этилишида адабий танқидчиликнинг, хусусан, С.Мирвалиевнинг ҳам хизматлари бор.

Унинг фаолиятига хос бўлган тинимсиз мутолаа, изчил изланиш фазилати педагогика институтида М.Шайхзода қўлида таҳсил олган йилларида шаклланган эди. У устозидан бадиий адабиёт сирларини ўрганиш билан бирга, сўз санъатига илмий таҳлил орқали баҳо бериш, таҳлилда ҳалоллик, самимият ва бетарафлик тамойилларига риоя қилишни ўрганди. Орттирган тажриба ва малакаси ёш мутахассиснинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидаги фаолиятида қўл келди. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг бу илмий маркази Собир Мирвалиевнинг изланишларида муҳим босқич вазифасини ўтади ва унинг “Адабий мерос ҳақида”, “Уйғонаётган Шарқ поэзияси” сингари илмий тадқиқотлари юзага келди. Ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда замонавий адабиёт, қолаверса, Шарқ адабиётининг муҳим муаммоларини ўрганишга бағишланган “Фурқат ижодида Ҳиндистон”, “Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди”, “Ҳақиқат куйчиси”, “Ваша Пшевала”, “Робиндранат Тагор” каби ўнлаб мақолалари билан иқтидорли ёш тадқиқотчи адабий, илмий жамоатчилик назарига тушди. Унинг адабиёт илми сирларини эгаллашида Ойбек, Ғ.Ғулом, В.Зоҳидов, И.Султон, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, А.Қаюмовдек атоқли адиб ва олимларнинг ҳиссаси



катта бўлди. Айниқса, 1958 — 1963-йилларда академик Ойбек раҳнамолигида “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида масъул ходим сифатида ишлагани ҳам бўлғуси олимнинг ижодий камолотида маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Изланишлари самараси ўлароқ, у 1961 йили “Ўзбек адабиётида хорижий Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг ифодаланиши” мавзуида фан номзодлигини ёқлади ҳамда “Ҳаёт ва кураш поэзияси” номли китобини чоп эттирди. Таъкидлаш жоизки, мазкур тўпламни адабий жамоатчилик яхши баҳолади. Буни Ойбекнинг шу китоб ҳақида билдирган самимий фикрларидан ҳам билса бўлади.

Профессор Собир Мирвалиевнинг илмий фаолиятидан замонавий ўзбек адабиёти масалалари қатори адабий алоқалар, халқ оғзаки ижодиёти ва мумтоз адабиёт муаммолари, айниқса, Шарқ ва ўзбек адабиёти ўртасидаги ўзаро алоқа ва анъаналар мавзуи кенг ўрин олган. “Тарихий роман ҳақида”, “Афсоналар ҳақиқати”, “Шеърий роман” каби мақолаларида бадиий адабиёт ижтимоий онгнинг энг оммалашган шакли сифатида баҳоланиб, унинг шаклланишида фолклор ҳамиша сарчашма ролини бажаргани ишончли асослаб берилган.

Олимнинг ўзбек романчилиги масалаларига доир тадқиқотлари илмий фаолиятида етакчи ўрин эгаллайди. Бу насрий эпик жанрни структурал-типологик ва тарихий-қиёсий, жанрий-услубий жиҳатдан илк бор ўрганган тадқиқотчи Собир Мирвалиевдир.

“Ўзбек адиблари” (XX аср ўзбек адабиёти) номли рисоласида муаллиф истиқлол даври талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзбек адибларининг ихчам, илмий-оммабоп адабий портретларини яратишга муваффақ бўлган. Шунингдек, ёзувчи, шоирлар ҳаётининг кенг ўқувчилар оммасига ҳали унчалик маълум бўлмаган қирралари ҳам очиб берилган. Масалан, Абдулла Авлонийнинг 1913 йилдаёқ “Турон” театр труппасини ташкил этгани ёки Афғонистон халқ маорифи вазири, сўнг эса шўролар иттифоқининг Афғонистондаги консул-элчиси вазифаларида хизмат қилган даври тўлиқроқ ёритилган.

Китобнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, муаллиф таниқли адиблар ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни тўплаб, баён этишда ҳар бир асарнинг мазмун-моҳияти ҳақида янгича қараш ва хулосаларни илгари суради. Айни пайтда, ёш ижодкорлар ҳақида ҳам эҳтирос билан қалам тебратади, уларнинг янгича тафаккур ва фикр эркинлиги билан йўғрилган асарлари борасида кенг китобхонлар оммасини мушоҳада юритишга ундайди.

Адабиётшунос олимнинг хизматлари янги ўзбек адабиёти тарихининг тўрт жилдли тадқиқоти, қолаверса, академик Ойбекнинг 20 жилдли ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг уч жилдли янги сайланмаларини тўплаш ва нашр этиш жараёнидаги ишларида ҳам кўзга ташланади. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг, Ўлмас Умарбековнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган монографик тадқиқотлари илмий жамоатчилик томонидан яхши баҳоланди. Айни пайтда у профессор Наим Каримов билан ҳамкорликда ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари учун “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини ёзиб тугаллаш арафасида. Шу билан бирга, мураббийлик фаолиятини давом эттириб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаларига ҳозирги давр ўзбек адабиётидан сабоқ бераётир. Олим илмий-ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ фан доктори, ўттиздан зиёд фан номзодининг илмий ишларига раҳбарлик қилди.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, адабиётшунос олим ва танқидчи, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиевнинг ҳаёт йўли, умр мазмуни илм оламига кириб келаётган ёш тадқиқотчилар учун ўзига хос ибрат бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

**Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ**

***Ҳар гал Маҳмуд Намозов қўшиқларини эшитганимда, талабалик даврим ёдимга тушади. Ўшанда биз фолклор бўйича Сурхондарё вилоятида амалиёт ўтагандик. Ҳар куни гуруҳларга бўлиниб, кекса момолардан қадимдан тилдан-тилга ўтиб келаётган халқ қўшиқларини, термаларини, аллаларию айтишувларини ёзиб олардик. Бу фолклор намуналари воҳанинг гўзал табиати, бетакрор манзаралари билан уйғунлашиб, дилларга гўё оқиб кирар, юрагимизнинг аллақаеридаги торларини “жиз” этиб чертар, қулоқларимиздан момоларнинг овози узоқ вақт кетмасди.***

Учрашув

**Маҳмуд НАМОЗОВ:**

# БИР БАҲОРИЙ НАСИМ БЎЛСАМ СУРХОНИМГА

Маҳмуджон бир неча йиллардан буён миллий мусиқамизнинг асоси бўлган ана шундай халқ оҳанглари, фолклор намуналаридан фойдаланиб, анъанавий ижрочилик ҳамда замонавий ижро усулларини уйғунлаштирган ҳолда тингловчилар эътиборини қозониб келмоқда. Унинг қўшиқларини бугун юртимиздагина эмас, қардош республикаларда ҳам севиб тинглайдилар. “Саратонда соябонинг бўлайин”, “Дил фасли” номли дастурлари мухлислар тилидан тилига кўчиб, довруғ қозонди.

“Дил фасли” хонанданинг мухлислари учун ҳам, ўзи учун ҳам янги йилга муносиб совға бўлди. Хўш, бу концерт олдингиларидан нимаси билан фарқ қилади? Бу ҳақда хонанданинг ўзи шундай дейди: *“Биз бу сафар расмиятчиликдан халос бўлишга қарор қилдик. Эътибор берсангиз, концертларни асосан бошловчилар олиб борадилар. Гуруҳимиз билан келишиб, томошабин билан ўзимиз бевосита мулоқот асосида концерт ўтказишни ният қилдик. Назаримда, ёмон бўлмади — томошабин биз билан, биз эса мухлисларимиз билан янада яқиндан ҳамнафас, ҳамдард бўлдик, бир-биримизни янада яхшироқ тушундик”.*



...Дастур бошланишида саҳна ортидаги экранда ёзувлар пайдо бўлади ва оҳиста янграётган куй фонида томошабин-мухлис концертнинг умумий мазмунидан хабардор бўлади. Илк қўшиқнинг номи “Ватан ранги”:

**Ватан ранги сингиб борар қароғимга,**
**Тоғу тошдан жавоб топдим сўроғимга.**
**Дилимдаги армонларим**
**бут бўлгайму?**
**Бир баҳорий насим**
**бўлсам Сурхонимга.**

Гўзал оҳангларга сингган матнлар гўё Маҳмуд Намозовнинг аввалги, кўпчиликнинг қалбидан жой олган “Қишлоғим” қўшиғига ҳамоҳангдек, унинг давомидек жаранглайди. Биринчи бўлим худди шу руҳда ватан, она, орзу-армонлар ҳақидаги қўшиқлар билан давом этади.

Иккинчи бўлим тўлиқ сурхон оҳанглари билан йўғрилган, десак муболаға бўлмас. Ажойиб термалар, бахшиёна нағмалар...

— Бу бўлимда фақат сурхонча матнлару оҳангларни эмас, балки халқимизнинг ўзига хос либослари, удумлари, урф-одатларини ҳам мадҳ этишга аҳд қилдик, — дейди Маҳмуджон. — Биласиз, биз кўпроқ халқ орасида неча-неча йиллардан буён айтиб келинаётган фолклор қўшиқларини қайтадан оранжировка қилиб ижро этамиз. Матнларни бойитамиз. Сабаби, замон ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти, бугун бутунлай бошқача шароитда яшаяпмиз. Демак, биз айтаётган қўшиқларни бугуннинг одамлари, хусусан, ёшлари тушунишлари керак, матнлар айнан уларнинг қалбига яқин бўлиши зарур. Қисқа айтганда, матнларга замонавий руҳ бериш лозим. Шунинг учун таниқли шоиримиз Усмон Азимга мурожаат қилдик. У киши барча матнларга қайтадан ишлов бердилар. Сўзлар ўзгаргани билан халқона руҳ, халқона оҳанглар сақланиб қолди.

Учинчи бўлим бошланишида саҳнадаги экранда матн пайдо бўлади, саҳна ортидан мусиқа овози таралади ва ... Маҳмуд Намозов шеър ўқийди. Шеърнинг мазмунига уйқаш ҳолда қўшиқ бошланади: “Дил бу кун, бошдин оёғим дил бу кун...”



Концерт шўх қўшиқлар билан, томошабин билан хайрлашмай тугалланади. Одатда концертларда сўнгги хайрлашув қўшиғи айтилиб, охирги нуқта қўйилади. Бу дастурда эса томошабин билан мулоқот концерт ўрталарида бўлади, бу учрашув яна давом этишига ишора.

— Асл мақсадимиз — концерт орқали мухлислар билан учрашувимиз бардавомлигини, дийдор яна ва яна давом этишини айтиш эди, — дейди хонанда. — Менимча, биз томошабинлар билан бир-биримизни тушундик. “Дил фасли” — бу бизнинг ҳаётимиз, кундалик турмушимиз, қувончимиз, орзу-армонларимиз, қарашларимиз, борлиғимиз.

Санъатнинг, хонандаликнинг ўзига яраша қийинчилиги шундаки, ўзгаларнинг тақдирини ҳам ўзингникидек ҳис этишинг ва очиб беришинг керак. Ўз ичингдагини айтиш бир юк бўлса, бошқаларнинг дардига дардкаш бўлиш ундан ҳам оғир юк. Ана шу оғирликка чидаганлар тортади бу юкни. Ҳар ҳолда, биз гуруҳимиз билан шу юкни тортишга ҳаракат қиляпмиз. “Дил фасли” ана шу ҳаракатнинг бир меваси.

**— Маҳмуджон, ижодингиз халқ қўшиқлари, халқ оҳангларига асосланади. Худди шундай тарзда ижод қиладиган фолклор жамоалари юртимизда талайгина. Гуруҳингизнинг улардан фарқи нимада?**

— Дастлаб, 1991 йили саҳнага чиққанимизда эҳтимол аксарият одамлар бизни ҳозиргидек тушунишмагандир. Ахир янгилик ҳамиша бирдан барчага баробар сингмаслиги мумкин. Буни сездик. Лекин бизни хурсанд қилган, ишонч бағишлаган нарса профессионалларнинг, мутахассислар, зиёлиларнинг хайрихоҳлиги бўлганди ўшанда. Биз ҳаракат қилдик, замон билан ҳамнафас бўлишга интилдик. Халқ сўзини, оҳангини олдик, фақат замонавийлаштирдик. Мусиқа асос бўлгани учун оҳанг қолиши керак. Лекин оҳангга ҳам ижодий ёндашиш зарур. Матнга эса замон руҳини бериш шарт, Жаҳон андозаларидан ҳам ўрнак олиш зиён қилмайди. Хуллас, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш лозим.

**— Бугунги ҳамкасбларингиз, ёшлар ижоди хусусида қандай фикрдасиз?**

— Эшитишимча, бир вақтлар таниқли шоирларимиздан. Туроб Тўла Бадиий кенгаш раиси бўлган вақтларида ҳам “матнлар саёз бўлиб кетди” деган гаплар айтилган экан...

**— Унда ҳозир ўзбекча-русча аралаштириб куйланаётган чала матнларга, қуруқ сўзлар йиғиндисидан иборат саёз жумлаларга эътибор бермай кетавериш керак экан-да!**

— Йўқ, албатта. Бундай ашулалар, шубҳасиз, ёшларнинг дидини бузади, савиясини пасайтиради. Биласизми, бундай хиргойилардан қутилишнинг, ҳеч бўлмаса, камайтиришнинг энг яхши йўлларидан бири — матбуотда, радио-телевидениеда ҳақиқий ижод билан шуғулланаётган, миллий анъаналарга таяниб, замонавий қўшиқчиликни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган хонандаларга кўпроқ ўрин бериш керак. Шундай шароит яратиш керакки, қўшиқ оламига қадам қўйган ҳар бир хонанда талабнинг кучлилигидан телевидениенинг биринчи каналида (ҳатто бошқаларида ҳам) бир бор чиқсам армоним йўқ эди, дейдиган бўлсин.

Шунингдек, асос йўқ, билим йўқ, фақат ота-онанинг хоҳиши билан хонанда бўлиш қийинчиликларини ёшларимиз тушуниб етишларини истардим.

**— Томошабин ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Бугунги томошабин учун қўшиқдан ташқари, хонанданинг ёши, кийиниши, юриш-туриши, ўзини тутиши ҳам аҳамиятга эга. Хонанда буни ҳамиша назарда тутиши лозим.

Агар хонанда саҳнага кайфиятидан, кўнглидан келиб чиқиб, ўзини енголса, томошабинни ҳам енгади. Шахсан ўзим томоша зали билан юзма-юз бўлганимда бир-иккита ҳақиқий мухлисни кўрсам, кейин қолган томошабинлар қалбига ҳам йўл топиб оламан. Аслида, менинг концертимга мени биладиган томошабин киради. Шунда ҳам томошабинни тинглашга тайёрлаш керак. Бунинг энг яхши йўли — бизнинг охирги концертимиздаги ўзаро мулоқотдир.

**— Бу йилги режаларингиз қандай?**

— Ҳозирдан янги дастурга тайёргарликни бошладик. Ижодий мулоқотлар географиясини кенгайтирмоқчимиз. Юртимизнинг энг чекка жойларига бориш, қўшни давлатларга чиқиш ниятимиз бор. Шунга мос қўшиқлар яратишимиз керак. Биласиз, санъат — миллатнинг юзи. Бинобарин, четга чиққандан сўнг миллатнинг юзи бўлишга арзийдиган дастур лозим.

**— Ниятларингиз ижобат бўлишини тилаймиз.**

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# ҚИЁФА ЯРАТИШ УСТАСИ

***Театр санъати режиссёр ва актёрларнинг ижодий ҳамфикрлиги натижасида юзага чиқадиган жамоа санъати ҳисобланади. Бу санъатда, шубҳасиз, саҳнани безатувчи, рассом, либос рассоми, бастакор, гримчининг иши ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, томошабинларни образлар кўринишига ишонтириш, қаҳрамон қиёфаси, руҳий ҳолатини таъминлашда саҳна пардози, яъни гримнинг ўрни беқиёсдир. Грим саҳна санъатида мукаммал образ яратишда муҳим восита. Грим персонажнинг ёшини, характерини очиб беришга хизмат қилиб, актёрнинг ўз ҳолатидан мутлақо бошқа бир қиёфага киришига катта ёрдам беради. Ролнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, танланган рангларнинг саҳнадаги чироқ нурлари билан уйғунлигини таъминлашда пардозчининг маҳорати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.***

Ўзбек Миллий академик драма театрида кўп йиллардан бери гримчи бўлиб ишлаб келаётган Гулбаҳор Абдуллаева ана шундай фидойи инсонлардан биридир. Ўз касбини севган, театр санъати жонкуяри ишига ҳамиша масъулият билан қарайди.

— Ўзим грим қилган актёрларни пардоз ойнаси қаршисида эмас, саҳнада рол ижро этаётган пайтида кўриб завқланиб кетаман, — дейди Гулбаҳор опа. — Гримга қизиқишим тўққиз ёшларимдан бошланган. Ўшанда онамнинг тоғалари — ўзбек театри асосчиларидан бири, атоқли режиссёр Маннон Уйғур саҳналаштирган спектаклларни онам билан бирга томоша қилгани театрга кўп келардик. Кейинчалик онам шу театр либосхонасига ишга кирдилар. Табиийки, мен деярли ҳар куни мактабдан сўнг онамга ёрдамлашадиган бўлдим. Бундан ҳеч чарчамасдим. Чунки актёрларни ўз кўзим билан кўриб, яқиндан танишиш эзгу орзуим эди. Менга уларнинг парик сочлари, соқоли, актрисаларнинг пардози ғайритабиий туюларди. Бир куни нима бўлдию пардозхонага кириб қолдим. Бир соатлар ўтди чамаси, гримчи уста Шукур Бурҳоновни Шоҳ Эдип ролига грим қила бошлади. Кўз олдимда Шукур Бурхонов аста-секинлик билан умуман бошқа қиёфага кирди. Уйга қайтаётиб ҳайратимни онамга тўлқинланиб гапирдим. Онам: “Одамлар бу ҳақиқий Шоҳ Эдип эканлигига ишонсинлар, деб шундай пардоз қилишади қизим”, дедилар. Шу-шу гримчилик санъати мени томоман ўзига сеҳрлаб олди.

Саҳна орти заҳматкашлари

Лекин тақдир тақозоси билан Гулбаҳор Абдуллаева мактабни тугатиб, Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетига ўқишга киради. Университетни тугатиб, ўрта мактабда она тили ва адабиётдан сабоқ бера бошлайди. Дарс жараёнида драматургия, саҳна санъати масалаларига тўхталар экан, кўз олдига грим қилаётган актёрлар ва саҳнадаги жонли ҳаёт келаверарди. Болалигидан ўрганиб қолган жонажон театри уни бағрига чорлайверарди. Хуллас, Гулбаҳор грим санъатига қаттиқ боғланиб қолганини, унинг келажаги театр билан боғлиқлигини англаб, театрга ишга келади. Театр пардозхонасида ўз ишининг усталаридан грим сирларини ўргана бошлайди. Тез орада, ўзи ҳам енгилроқ гримларни қилишига киришади. Инсон ўз ишига астойдил меҳр қўйса, ундаги мураккабликлар ҳам ҳузур бахш этади. Гулбаҳор опа мураккаб гримларни ҳам ўрганиб, соч-соқоллар тайёрлашга киришади. Грим тарихига оид адабиётларни топиб, малакасини оширади.

— Саҳнамиз дарғаларидан бири, раҳматли Наби Раҳимов билан ҳам ишлаш насиб этганидан фахрланаман, — дейди у. — Бугун “Жаҳон Отин Увайсий” спектаклида иштирок этаётган ўн беш нафар қизга завқ билан соч ўрайман. “Тун албатта ўтади”, “Эргинамнинг орзуси”, “Севаман дедимми?” спектакллари қаҳрамонларини пардозлаш жараёнида ҳам иштирок этаман. “Макр ва муҳаббат”да Лола Элтоевага ясама соч кийдирсам, “Ҳамлет”да Шуҳрат Нуралиевни Полоний қиёфасига киришга тайёрлайман. Бир қараганда гримчилик оддий туюлса-да, бу санъатга чуқур ёндашганингиз сари унинг нақадар нозик ва машаққатли эканини ҳис эта бошлайсиз.



Гулбаҳор опа бундан бир неча йил аввал қўйилган спектаклардаги персонажлар, уларнинг гримлари, қайси актёрлар ўйнагани, дублёри кимлар эканини ҳам ёддан айтиб беради.

— Баъзи актёрлар ўз ролларига, гримларига ўта жиддий қарайдилар, сал юзакироқ қараганларга эса тушунтиришга ҳаракат қиламан, — дейди Гулбаҳор опа. — Мен театримизнинг улуғ актёрлари мактабини кўрганман. Улар жуда оддий кийинишар, бир-бирларига самимий муносабатда бўлиб, каттаю кичикка ҳурмат билан қарашарди. Ўз вазифаларига ҳалол ва тўғри ёндашишарди. Жони-танлари билан саҳнага сингиб кетардилар. Бугун театримизнинг ёшлари ана шу анъанага содиқ қолишларини жуда-жуда истайман.

Гулбаҳор Абдуллаева билан театр, спектакллар, грим ҳақида узоқ суҳбатлашиш мумкин. Чунки театр унинг ҳаёти, борлиғи. Театрларимизда саҳна ортида туриб, бор имкониятини театр санъати равнақига ҳисса қўшишга сарфлаётган бундай фидойи, оддий заҳматкашлар кўплаб топилади. Ана шундай заҳматкашлар қаторидан муносиб жой олган Гулбаҳор опага соғлик-саломатлик, ишларига эса ривож тилаймиз.

**Махсума ҲОЖИМАТОВА**

# ЗУККО ОЛИМА

***Агар Марфуа Ҳамидова ўзини илм-фанга бахшида этмаганида таниқли опера қўшиқчиси бўлиши тайин эди. Ўзбекистон давлат консерваториясига уни қўшиқларини эшитибоқ — бошқа фанлардан имтиҳон топширтирмай қабул қилишган. Талабалик даврида республика вокалистлар танлови (1969), Ёш ижрочилар (1970) танловларида биринчи ўринларни эгаллади. Консерваторияни тугатгач, Москва, Киев консерваторияларида ўқишни давом эттиришга таклиф этадилар. Лекин у илм йўлини танлайди.***



Марфуа Ҳамидова 1973 — 1976 йиллар давомида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти аспиранти бўлиш билан бирга Россия саҳна санъати академиясида театршунослик назарий-амалий машғулотларида қатнашади.

Қутлаймиз!

Олима илмий фаолиятининг етакчи йўналиши ўзбек мусиқали драмаси тарихи ва муаммолари билан боғлиқ. Шу йўналишдаги илмий изланишлари натижаси сифатида 1977 йили “Ўзбек мусиқали драмаси. Жанр муаммолари” мавзуида номзодлик, 1993 йили эса “Ўзбек мусиқали драмаси актёрлик санъати” мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

М.Ҳамидова ўзи ижодкор-қўшиқчи бўлгани ва мусиқали драма оламига шу ижодкорлик ҳисси, илмий тафаккур кўзи билан қараганлиги унга бу жанрнинг табиатини чуқур англаш ва ўзбек халқи бадиий меросида бу бебаҳо ҳодиса эканини илмий асослаш имконини берди.

Марфуа хонимнинг илмий қизиқиш доираси кенг: нашр этилган юздан ортиқ ишлари орасида мусиқали драма санъатига оид, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Тўхтасин Жалилов сингари санъат арбоблари ижодий портретлари қатори, опера қўшиқчилиги муаммолари, умуман ўзбек халқининг бадиий маданиятига оид турли мақолаларни учратиш мумкин. Унинг номи халқаро илмий доирада ҳам анча таниш: Марказий Осиёни ўрганиш Оврўпо жамияти илмий кенгашининг аъзоси сифатида тез-тез чет элларда ўтувчи илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон санъати ва бадиий маданияти ютуқлари борасида маърузалари билан қатнашиб келади. М.Ҳамидова халқаро илмий фаолияти, хусусан, Марказий Осиё санъатшунослиги ривожига қўшган алоҳида ҳиссаси учун 2006 йили Қозоғистон Бадиий академиясининг академиги этиб сайланган.

Олима Ўзбекистонда эътиборли зиёлилар сулоласининг давомчиси ҳисобланади. Отаси Азиз Ҳамидов техника фанлари номзоди, онаси — қатағон қурбони, оташнафас шоир Усмон Носирнинг синглиси Инобатхон Носирова тарихчи эдилар. Бу сулоланинг энг яқин намояндалари орасида биология фанлари доктори, академик Жаҳонгир Ҳамидов, филология фанлари доктори, профессор Турсуной Ҳамидова каби олимларни учратиш мумкин.

М.Ҳамидова 1976 йилдан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида етакчи илмий ходим ва маданиятшунослик сектори мудири сифатида фаолият кўрсатди. 2003 йилдан у санъат педагогикаси соҳасига ўтади. Ўзбекистон давлат консерваторияси якка-академик қўшиқчилик ва опера қўшиқчиларини тайёрлаш кафедрасида “Хонандалик санъати тарихи”, “Хонандалик услуби асослари” фанларидан сабоқ беради. Шунингдек, Санъат институтида “Санъат асарлари таҳлили, танқиди ва тарғиби” мутахассислигидан дарс бериб, санъатшунос журналистлар етиштириш билан шуғулланиб келади.

Марфуахон самимий, кўнгли очиқ, меҳрибон инсон. Фидойилиги ва инсоний фазилатлари билан жамоа орасида ҳурмат-эътибор топди. Тиниб-тинчимас олиманинг илмий-педагогик фаолиятида янги муваффақиятлар тилаймиз.

**С.ТУРСУНБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат Санъат институти профессори**

Кўргазма залларида

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида очилган анъанавий “Рассом ва табиат” кўргазмасида 200 дан зиёд рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

Мазкур кўргазма таниқли рассом Юрий Чернишов хотирасига бағишланган. Юрий Чернишов ўз асарларида ёрқин ранглар уйғунлигида ҳислар туғёнини ҳайрат ва муҳаббат билан тасвирлайди. Ҳайкалтарош Марина Бородина Юрий Васильевичга бағишланган “Туғён” инсталляциясида рассомга хос чексиз жўшқинликни мужассам этишга ҳаракат қилган.



**В.ГРАНКИН олган сурат.**

Асарлар мавзуси бир-бирини такрорламайди, ранглар жилоси сўлим манзараларни гавдалантирган. Айниқса, Я.Салпинкидининг “Оқлик ҳақида қўшиқ”, А.Отабоевнинг “Ойдин кеча”, Д.Эшматовнинг “Қишлоқ манзараси”, А.Тюриннинг “Фариштам” асарлари томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

**САРВАРА**

# УСТОЗ БИЗ БИЛАН...

***Истараси иссиқ, баланд бўйли, кўринишлари салобатли, кўзлари катта-катта, салмоқланиб қадам босувчи устоз санъаткоримиз, давлат мукофоти совриндори, халқ артисти, профессор Раззоқ Ҳамроев биз учун фидойи устоз, меҳрибон мураббий эдилар.***

Хотира

1978-79 йилларда Р.Ҳамроев биздан бир курс юқори талабаларга сабоқ берардилар. У кишини кино, телевидение экранларида кўрганимиз бошқаю, бевосита овозларидан баҳраманд бўлиш ёш ижодкорлар учун катта инъом эди. “Мен бугун ҳазрат Алишер Навоий билан кўришдим, Насриддин Афанди билан учрашдим”, дея фахрланиб қишлоқдошларимга гапириб берганим ҳали-ҳамон ёдимда. Шу кунга қадар ўша ҳаяжон, ўша ифтихор билан юраман. Ахир, шундай улуғ санъаткорлар билан ёнма-ён бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилмаган. Устознинг ҳар бир сўзи, маслаҳатлари вужудимизга сингиб қолган.

Кино экранида ҳазрат Алишер Навоийдек мутафаккир шоир сиймосини шакллантирган ва халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олган актёр, Муқимий номидаги мусиқий театримизнинг отахони Раззоқ Ҳамроев ҳаётда ўта камсуқум, камтар инсон эдилар. Санъаткорлар устозни “домла” деб аташарди. Бу ном бежиз эмасди, албатта. Институтда қачон уларни учратмай, бирор ташвиш билан юрардилар. Қайси бир шогирд талаба дарсга кечикиб келган бўлса, албатта, таҳсил бераётган ўқитувчидан илтимос қилиб дарсга киритар, кейин унга вақтида дарсга келишни айтиб, ёшми, ёши улуғми, ўша ўқитувчилардан шогирди учун узр сўрардилар. Баъзи мураббийларга домланинг бу хатти-ҳаракати кўпинча ажабланарли туюларди. “Шундай улуғ санъаткор бир талаба учун кечирим сўраса-я!” Ўшандай кезларда домла ним табассум билан: “Майли, сиз мен учун талабамни кечира қолинг. Ёшда, хаёли паришон. Ҳали булар бир забардаст санъаткор бўлишсинки... Рост айтаман болагинам, ҳали булар катта-катта актёр бўлиб, сизниям, мениям уялтиришади...”, — дердилар.

Устозим, профессор Абдураҳим Сайфутдинов домлани жуда яхши кўрардилар. Актёрлик маҳорати дарсида улар ҳақида кўп ва хўп гапириб берардилар. Домланинг ишлари жуда кўп эди. Радиога, “Ўзбекфилм”га, дубляжга, телевидениега, институтга ва кечки пайт театрга улгуришлари керак эди. Ажабланарли томони шунда эдики, домла ҳаммасига пиёда, гоҳида шаҳар транспортида бориб келардилар. Мен кўпинча пиёда юрганларининг гувоҳи бўлардим. Ҳозир ўйлаб қоламан: арзимаган ишни бошқараётган раҳбарни ҳам хизмат автомобили олиб юрарди ўшанда. Нега Раззоқ Ҳамроевдек забардаст санъаткор, Муқимий театрининг бош режиссёри пиёда кезиб, ижод қилардилар. Балки ўзлари рад этгандирлар, яна ким билади дейсиз...

Домла театрда ранг-баранг ролларда чиқардилар. Қалбимда муҳрланиб қолгани “Кулги ва шодлик кечаси” дам олиш концертида домла “Учи тугик даструмол” номли шеърни ўқирдилар. Томоша зали жим бўлиб эшитар, ҳар бир мисраси тугашида олқишлар билан қарши олишарди. Шеър гўё шоирники эмас, домланинг кўнглидан таралаётгандек, сўзларни ҳозир, айни пайтда топиб айтаётгандек туюларди. Саҳнага ҳар чиққанларида зал олқишлардан ларзага келарди.



Баъзида ҳозир ҳам домла ўқиган шеърни унда-бунда эшитиб қоламан... Аммо... ўша файз, ўша муҳаббатни туймайман. Негалигини англаб-англамайман. Эҳтимол, устознинг файзлари бўлакча бўлгандир. Гоҳида беихтиёр домлани институтдан, театр саҳнасидан қидириб қоламан... Аммо энди улар йўқ, ҳатто изларини ҳам тополмаймиз. Улар билан бирга ўша файз ҳам кетган. Баъзан саҳнамиз зорлангандай, томоша зали энтикаётгандай, саҳна чироқлари хира нур таратаётгандай, пардалар мажбуран очилаётгандай, оркестр эринибгина жаранглаётгандай туюлаверади...

Лекин Муқимий номидаги театр гоҳ шиддатли, гоҳида сокин саҳна асарлари билан мухлислари кўнглига йўл топиб келмоқда. Домла эса орамизда йўқ... Баъзида эслаймиз, кўпинча ўз ишларимиз билан овора бўлиб кетамиз. Баъзан майсадек ишимизни чинорга ўхшатиб юраверамиз, лекин тоғларни талқон қилиб, минглаб юракларни забт этиб, бундан бир қур ҳаволанмаган домла бугун орамизда йўқ. Агар халққа маъқул бўладиган асар яратсак, домла ана шу дамда биз билан бирга бўлади. Саҳнада руҳан кезади, ишларимизга ривож тилайди.

**Боир ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист**

***Шоир Ориф Одилхонов ҳаёт бўлганида шу кунларда унинг етмиш йиллигини нишонлаётган бўлардик. Ўнлаб шеърий китоблари билан дўст-ёрлари, мухлислари қалбидан жой олган шоир дўстимизнинг хотираси ҳамиша ёдимизда.***

***Ориф Одилхонов атоқли ва машҳур замондошларининг муносиб эътирофига сазовор бўлган эди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***



# ИЛҲОМ УЛАШГАН ШОИР

**Саид АҲМАД,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ ёзувчиси.**

## Ранглар ва ифорлар сеҳри

Ориф Одилхонов компас милларини ўзига тортиб турган баланд тоғлари-ю тошқин сойлари билан, азамат чинорлари-ю сайроқи қушлари билан, бошига лачак ташлаб, бир учини тишлаб, юзини кўрсатмайдиган оҳу кўз қизлари билан, одамга хуш ёқадиган сарин эпкинлари-ю, савр пайти оламни ларзага солиб гулдирайдиган момоқалдироқлари билан, қиличдек чақнаган чақмоқлари билан ҳамиша бирга. Ҳамма-ҳаммаси шоир Орифхонники эди. Жами Паркент Орифхонники, Орифхон эса Паркентники эди.

Паркентга йўл олган шоирлар, ҳофизлар, рассомлар Орифхон томонга оқиб келавердилар.

Орифхон Одилхонов ана шундай одамохун, атрофига ўзидан-ўзи одам тўпланиб қоладиган, файзли, истарали шоир, одамтортар инсон эди. Унинг неча ўнлаб қўшиқларини атоқли ҳофизлар хонишида эшитиб, ўзгинасини кўриб суюниб кетардик. Ҳалиҳануз Паркент саёҳатига отланар эканмиз, унинг кулиб, кулдириб турган ёқимтой чеҳраси кўз ўнгимиздан кетмайди.

Минг йилдан зиёд яшаётган Паркент чинорларига берган умрнинг жиччагинасини Худойим шу шоиргинадан дариғ тутди-я, деб ўйларга толаман. Шунда, кетадиган боланинг тили ширин бўлади, деган сўзга ишониб қоламан. Орифхон тили ширин, ғаниматинсон эканини қайдан билибмиз.

Орифхон дафтарига териб олган гулдаста оҳангларини, хушбўй гиёҳларнинг исларини, анвойи рангларни ўзи билан олиб кетмади. Уларни қиёмат қарзи бу, деб яна Паркент устидан сочиб кетди.

* * *

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**академик**

## Тоғлар куйчиси

Шоирнинг биринчи машқи бастакор ва ҳофизларнинг эътиборини жалб қилди, ашула айтиладиган бўлди. Демак, янги қўшиқчи-шоир туғилди. Мана, қирқ йилдан ошаяптики, Ориф Одилхонов шу йўсинда қалам тебратади. Унинг 100 га яқин шеърлари қўшиқ сифатида ҳам машҳур. Шоир шеърларини йиғиб, бир неча бор китоб шаклида эълон қилган.

Ориф Одилхонов Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманлари бирлашган кезлари туманнинг "Суръат" газетаси қошида адабиёт тўгарагини ташкил қилиб, ишдан кейин бўш вақтларида унга бевосита раҳбарлик қилади. Бу хайрли иши бекорга кетмайди. Тўгарак аъзоларидан Хайриддин Султонов, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоиров каби иқтидорли ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқади. Ҳозирги кунда бу шоир, ёзувчиларнинг ҳам издошлари кўпайиб бормоқда.

Ориф Одилхонов шеърлари кўпроқ енгил услубда, тўғрироғи, анъанавий йўсинда ёзилган. Унинг шеърлари мумтоз адабиёт ва оғзаки ижод намуналарига яқин туради. Мумтоз адабиёт намуналари сингари унинг шеърлари мусиқага тушаверади. Ўзининг эътирофига қараганда, шеърнинг ўзидан кўра унинг куйи олдин туғилади. Шу боисдан у кўпроқ дутор чалиб, маълум бир оҳангда шеър ўқишни ўзига одат қилади.

Услубан Ориф Одилхонов табиат, инсон ва юксакликлар шоиридир.

* * *

**Машраб БОБОЕВ**

## Сўлим гўшанинг сўлим куйлари

Ориф Одилхонов феъл-атвори, ширин суҳани, одамохунлиги, санъаткорлиги билан не-не шоирга шеър учун, не-не рассомга расм учун, не-не ҳофизга қўшиқ учун, не-не бастакорга куй учун мавзу ва илҳом берганидан ташқари, дилкаш, халқчил шеърлари билан жуда кўп шеърхоннинг юрагини ишғол қилган ижодкордир. У завқи келганидагина, шу завқни ифода қилмаса бўлмайдиган бўлиб қолгандагина шеър ёзади. Аслида ҳам шоир шундай бўлиши керак эмасми? Шу сабабдан ҳам унинг шеърлари жозибадор, шу сабабдан ҳам бу шеърларни роҳат қилиб ўқийсиз, шу боис шоирнинг завқи бевосита сизга ҳам кўчади.

**Нашрга Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**

# ТЎРТЛИКЛАР

**Бирон бир мушкулот бошга тушса гар,**
**Ечимин тополмай бошимиз гаранг.**
**Бировга маслаҳат беришга эса,**
**Отилган ўқдаймиз, устаси фаранг.**



Турсунбой ОЧИЛОВ

* * *

**Ҳақиқат номидан ёлғон сўзлар у,**
**Фарзанди ўлгандай титраб бўзлар у.**
**Ўзига барчанинг раҳмин келтириб,**
**Шундан ҳам ўзига фойда кўзлар у.**

* * *

**Яхшилик, ёмонлик ўртасида жанг —**
**Ғолибу мағлуб йўқ асрлар оша.**
**Кимга керак экан бу сўнгсиз кураш,**
**Кимга керак бўлди бундай томоша?**

* * *

**Жиғилдон турганда, виждондан кечар,**
**Мансабу бойлик деб, иймондан кечар.**
**Шайтоннинг фойдаси тегса, дўст бўлиб,**
**Ҳақиқий дўстидан — инсондан кечар.**

* * *

**Оғизда дўстман деб, юрганлар қанча,**
**Мақтаниб, кўксига урганлар қанча.**
**Оқибат, бу каби дўстга ишониб,**
**Хиёнат жабрини кўрганлар қанча.**

* * *

**Умримиз шарпадай ўтди-ю, кетди,**
**Ўлмасдан — дўст-таниш бизни унутди.**
**Ҳаётда қолмади биздан бирор из,**
**Бўлдик келмагандай дунёга худди.**

* * *

**Ё ажаб, ёлғону шов-шув, миш-мишнинг**
**Бозори қизийди, нархи ҳам ларзон.**
**Ҳаётий китоблар, кўрганим тушми?**
**Сотилмас, бўлса ҳам баҳоси арзон...**

* * *

**Ташқарида совуқ — олар жон,**
**Борлиқ асир қишнинг кучига.**
**Ўтин бўлиб, ҳатто саратон —**
**Бугун ёнар ўчоқ ичида.**

# Дунё — кенг...



## ЯЛҚОВЛАР МУЗЕЙИ

Колумбия пойтахти Богота шаҳрида ғоят антиқа — ялқовлар музейи очилди, дея хабар беради BBC News.

Музейга ташриф буюрувчилар тайёр кароват ва тўр беланчакларда мириқиб дам олишлари, шунингдек, юмшоқ оромкурсиларда бемалол ўтириб телевизор томоша қилишлари мумкин.

Музей шаҳар маъмурияти томонидан қурилган. Директор Марсел Аррьетанинг сўзларига қараганда, ушбу ғайритабиий муассаса аслида ялқов ва ишсиз кишиларга бекор ўтаётган вақтларини қадрлаш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида барпо этилган.



Музейга ташриф буюрувчиларнинг сони кундан-кун ошиб бормоқда. Агар ялқовлар оқими шу тарзда давом этаверса, музей тез орада ёпилиши ҳам мумкин, дейилади шаҳар маъмурияти ахборотида.

## ЭГАСИНИ ОТГАН ИТ

Ўрдак ови пайтида Артур лақабли ит эгаси техаслик Перри Эльвин Прайсни отиб қўйди, деб ёзади Буюк Британияда чоп этиладиган The Guardian газетаси.

Ўрдакни отиб бўлганидан сўнг Прайс итининг бўйинбоғини ечиб юбориш учун юкхонага яқинлашган ва қуролни ҳам жониворнинг ёнига ташлаган. Лекин худди шу лаҳзада ўқ товуши янграган...



Полиция берган маълумотларга кўра, ит бехосдан милтиқнинг тепкисини босиб юборган. Қурол илгагидан итнинг бармоқ излари топилгани буни тасдиқлайди.

Прайснинг дўсти Даниел Гроберг бу пайтда машинанинг олд тарафида турган ва бахтсиз ҳодиса қандай содир бўлганини пайқамай қолган. Шундай бўлсада, Прайсга дарҳол биринчи ёрдам кўрсатиб, унинг ўқдан яраланган жойини боғлаган. Лекин анча оғир аҳволда шифохонага келтирилган Прайс кўп қон йўқотиши оқибатида вафот этган.

## ЭНГ ҚАРИ МАЙМУН

Майамидаги ҳайвонот боғларидан бирида сайёрамизнинг энг кекса маймуни ҳаётдан кўз юмди, дейилади The Mirror газетаси берган ахборотда.



Ноня лақабли бу орангутан нақд 55 йил умр кўрди. Миясидаги ўсимта туфайли ўлган Ноня 1952 йили Суматрада дунёга келган эди. 1983 йилга қадар у Нидерландия ҳайвонот боғларида сақланган. Майами ҳайвонот боғи матбуот котибининг айтишича, Ноня Ер юзидаги энг қари орангутан бўлиб, жуда кўп маймунларни дунёга келтирган. Ҳайратланарлиси, орангутанлар одатда кўпи билан эллик йил умр кўришади. "Лекин Ноня жуда кучли, чидамли эди, ва менимча, буни унинг ўзи ҳам яхши биларди", дейди матбуот котиби.

Табиатни муҳофаза қилиш умумжаҳон уюшмаси берган маълумотларга кўра, орангутанлар бугунги кунда қирилиб кетиш хавфи остида экан.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбек Миллий академик театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

**Холида ХЎЖАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# КИМ КИМГА ЎХШАЙДИ?



Касби ҳарбий шифокор бўлишига қарамай, узоқ йиллардан бери самарали ижод қилиб келаётган, ҳарбий ватанпарварлик мавзусида кўплаб қўшиқларнинг муаллифи Искандар ака Раҳмоновни кўпчилик яхши танийди. Унинг қаламига мансуб "Меҳрибонлар", "Дардинг билан яшайман, дунё", "Оловли гулдаста", "Оқ либосли халоскорлар", "Ҳарбий шифокор хазинаси" каби ҳужжатли қиссалар ҳамда "Йўлдаги гуллар", "Ўзбекистон аскарларимиз", "Мардлар қўриқлайди Ватанни" шеърий тўпламлари мухлисларга маъқул бўлган. Муаллифнинг узоқ йиллар давомида яратган "Ҳарбийча алифбо"си газетамизда эълон қилинган.

Искандар аканинг яна бир ноёб жиҳати шундаки, у кишининг ташқи қиёфаси машҳур режиссёр Латиф Файзиевнинг нақд ўзгинаси. Баъзилар Латиф ака Искандар акага ўхшаб кетади дейишса, бошқалари бунинг аксини айтишади. Бу ўхшашлик жуда кўп ҳангомаларга сабаб бўлганидан хабарингиз бўлмаса керак. Унда қулоқ солинг, Искандар аканинг ўзи ҳикоя қилади.

## Қиёфадошим

Ҳаммаси соқол-мўйловдан бошланди. 1992 йилнинг баҳорида шифохонага тушдим. Аҳволим анча жиддийлиги боис шифокорлар бошимда парвона. Ўсиб кетган соқол-мўйловни қириш уёқда турсин, қимирлашга ҳам рухсат йўқ. Бир неча кундан кейин аҳволим яхшиланиб, оз-моз юрадиган бўлдим. Ўшанда биринчи қилган ишим, ўзимни кўзгуга солиб кўрдим: соқол ўсиб кетган. Олмоқчи бўлдим, лекин қизиқчилик ёки ишқивозчилик учунми, менда соқол қўйиш нияти пайдо бўлди...

Ҳамхоналарим соқол-мўйловни кўриб:

— Ярашибди, юзингизга улуғворлик бағишлабди, — дейишди.

Мени кўргани келган рафиқам ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Вой, адаси, сизга нима бўлди? Тузукмисиз?..

Шундай қилиб, шифохонадан тап-тайёр оқсоқол бўлиб чиқдим.

## Таниш одам

Кўча-кўйда юрганимда, кўпчилик менга қараб-қараб қўйишганда, ўринларидан туриб, жой беришганда, ўзимни ноқулай сезаман. Баъзан атрофдагиларнинг ўзаро шивир-шивири қулоғимга чалинади:

— Ие, бу одам жуда таниш-ку!

— "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи"ни олиб борадиган оқсоқол эмасми? — дейди шериги.

— Йўғ-е! — дейди гапни бошлагани. — Бу кинорежиссёр Латиф Файзиев! Ишонмасангиз, гаров ўйнаймиз!..

## Ўзингизнинг уйингиз, кираверинг!

Таниқли актёр Эркин Комилов билан анча яқинмиз. Йўли тушса, ишхонамга кириб ўтади. Бир куни Ҳиндистондан қайтгани, у ерда "Алиф ва Лайло ёки Маккора" бадиий филмида суратга тушганини айтди ва хайрлашаркан:

— Искандар ака, ҳозир ёнимда таклифнома йўқ. Яқинда "Санъат саройи"да шу филмнинг тақдимоти бўлади, сиз ҳам боринг, — деди.

Тайинланган куни айтилган жойга борсам, тумонат одам. Эркин Комилов кўринмайди. Таклифномам йўқлиги учун ичкарига киришга ҳижолат тортиб турсам, эшикоғаси:

— Келинг, келинг, марҳамат! — дея манзират қилди.

— Таклифнома...

— Э, таклифномани нима қиласиз, тақсир! Ўзингизнинг уйингиз-ку, тортинмасдан кираверинг! Ҳамма сизни кўргани келган...

Эшикоға мени Латиф Файзиевга ўхшатган эди.

## "Қутлуғ қон"ни бироз бўшроқ ишлагансиз, аммо...

1994 йилнинг 5 июнида Тошкентда бошланган халқаро теннис мусобақасининг очилиш маросимига бордим. Чап ёнимда ўтирган бақалоққина киши мен билан самимий кўришиб, қуюқ сўрашди:

— Яхши юрибмисиз, домла?

— Раҳмат!

— Ижодлар тузукми?

— Ёмон эмас.

— Ҳозир қайси мавзуда ишлаяпсиз?

— Уруш қатнашчилари ҳақида...

— Ие, мавзуни ўзгартирибсиз-да. "Қутлуғ қон" кинносини бўшроқ ишлагансиз, аммо "Алиф ва Лайло ёки Маккора"ни қойил қилгансиз. Бола-чақалар билан мазза қилиб кўрдик.

— Сиз мени кимгадир ўхшатдингиз, биродар.

— Йўғ-е! Сиз кинорежиссёр Латиф Файзиев эмасмисиз?

## Раҳмат сизга, домлажон!

1994 йили божам ўғлини уйлантирди. "Висол оқшоми"да тўкин дастурхон атрофида ўтирсак, ўртакаш йигит, қўлида микрофон, олдимга келди-да, астойдил миннатдорчилик билдира бошлади:

— Раҳмат сизга, домлажон!

— Нима учун? — деб сўрадим.

— Менга берган сабоғингиз учун!

— Тушунмадим, сизга қачон сабоқ берган эканман?

— Киностудияда, домлажон. Мана, ҳаётда ўз йўлимни топиб олдим, сира кам бўлганим йўқ. Яна бир бор раҳмат, домлажон!

## Телевизорга ҳам ишониб бўлмай қолди

Бир куни рафиқам билан "Фарҳод" бозорида юрсак, картошка сотаётган йигит шеригига мени кўрсатиб, шивирлаб қўйди:

— Тавба! Кеча кечқурун бу одамни "вафот этди", деб телевизорда эълон қилишган эди. Бугун бозорда юрипти! Телевизорга ҳам ишониб бўлмай қолди.



Ж.МИРЗО чизган сурат.

# МУҲИМ ЭЪЛОН

**Чойхона янгиликлари**

Ёзган мақола, шеър ёки ҳикояларини таҳририятга қўшниларидан, таниш-билишларидан, Қамчиқ ёки Тахтиқорача довонлари орқали қатнаётган енгил машиналарнинг ҳайдовчилари, "Шарқ", "Регистон" ёки "Насаф" тезюрар поездлари йўловчилари, самолётларнинг стюардессалари, "Отчопар" бозори фаоллари, таниқли тужжорлар орқали бериб юбораётган муаллифларимиз диққатига!

Бериб юборилган материаллар эълон қилингудек бўлса, у ҳолда қалам ҳақи мазкур материални таҳририятга олиб келиб топширган кишиларга тўланади. Шу боис, бундай кишиларнинг яшаш жойи, касбкори, оилавий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ҳам бир йўла материалга илова қилишингизни сўраймиз.

**ЧОЙХОНА МАЪМУРИЯТИ**

**Чойхона гурунглари**

## УЧИНЧИ САВОЛНИНГ ЖАВОБИ

Мақоласи таҳририятга маъқул келмаган бир муаллиф муҳаррирни сўроққа тутди:

— Касбингиз журналистми?

— Журналист.

— Ичасизми?

— Ҳа, озроқ олиб турамиз...

— Чекасизми?

— Йўқ.

— Аёллар билан юрасизми?

— Йўқ, бир ўзим юраман. Эрта тонгда Дўрмон боғларини ёлғиз кезишни ёқтираман. Пиёда юриш соғлиққа яхши дейишади. Хўш укажон, яна саволлар борми?..




Ш.Музаффар чизган сурат.

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15% от уставного фонда

Инвестор: **Компания "ANTAFLEX DEVELOPMENT LIMITED"**

Эмитент и его адрес: ***ОАО "Sanoatqurilishindustriya", г. Ташкент.***

Тип приобретаемой акции: **простая, именная, безналичная**

Количество акций, которые намерен приобрести инвестор — ***1550 штук,*** что составляет ***25,95%*** от уставного фонда.

**Азиз муштарийлар!**

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.

**Обуна чекланмаган.**

*Нашр кўрсаткичимиз — 222*

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15% от уставного фонда

Инвестор: **Компания "AMATIZ TRADING LTD"**

Эмитент и его адрес: ***ОАО "Sanoatqurilishindustriya", г. Ташкент.***

Тип приобретаемой акции: **простая, именная, безналичная**

Количество акций, которые намерен приобрести инвестор — ***1553 штук,*** что составляет ***26,00%*** от уставного фонда.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*
*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Котибият — 136-56-50
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Санъат бўлими: 136-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55 Назм ва наср бўлими: 136-58-55*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи — Носиржон ЖЎРАЕВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 5731. Буюртма Г — 49. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН